



## **XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI**

Termiz shahri, At-Termiziyo ko'chasi 1-uy, 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94, (76) 221-74-81

2021 йил «5» август

VI-33-61-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

### **Мактабгача таълим тизимиға хусусий сектор маблағларини кўпроқ жалб қилиш орқали нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этиш ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олинган болалар улушкини 25 фоизгача етказиш тўғрисида**

Мактабгача таълим тизимиға хусусий сектор маблағларини кўпроқ жалб қилиш орқали нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этиш ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олинган болалар улушкини 25 фоизгача етказиш ҳақида вилоят Мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи З.Тўлагановнинг ҳисоботи халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси йиғилишида эшитилганлигини ва билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олиб, халқ депутатлари вилоят Кенгashi қарор қиласиди:

1. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси йиғилиши 2021 йил 7 июль куни ZOOM дастури орқали ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
2. Вилоят Мактабгача таълим бошқармаси (З.Тўлаганов) Термиз шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳамда мутасадди ташкилотлар билан биргаликда йил якунига қадар:

қамров даражаси паст бўлган 11 та туманда давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг тармоғини кенгайтириш орқали қамров даражасини вилоятда 60 фоизга етказсин;

хусусий секторларда болалар қамровини ошириш мақсадида 1 093 та оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини қонунда белгиланган тартибда йўлга қўйсин;

куввати 3 930 ўриндан зиёд бўлган 37 та давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйсин.

3. Вилоят Мактабгача таълим бошқармаси (З.Тўлаганов), вилоят Молия бош бошқармаси (Б.Хурсанов) Термиз шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда вилоятнинг қамров даражасини ошириш учун 11 туманда 2021-2022 йилларда Республика

маблағлари ҳисобидан 22 та давлат мактабгача таълим ташкилотларини қуриш ҳамда маҳаллий бюджет ҳисобидан енгил конструкцияли 50 та сендвич панелдан янги давлат мактабгача таълим ташкилотларини белгиланган тартибда ташкил этсин.

4. Вилоят Марказий банк бош бошқармаси (У.Зокиров), АТ Халқ банки вилоят филиали (Ш.Худаёров) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 июндаги “Қамров даражаси паст бўлган туманларда мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5144-сон қарорининг 5-бандига асосан Мактабгача таълим вазирлиги билан битим тузилган оиласвий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига 30 миллион сўмгача микдорда кредит маблағлари ажратилишини таъминласин.

5. Вилоят телерадиокомпанияси (Б.Мингбоев), “Сурхон тонги” ва “Заря Сурхана” газеталари бирлашган таҳририяти (С.Норқобилов)ларга мактабгача таълим тизимиға хусусий сектор маблағларини кўпроқ жалб қилиш орқали нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этиш тўғрисида оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоқларида кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Юқорида белгиланган вазифалар ижроси бўйича ҳар чорак якунида тегишли мансабдор шахслар томонидан халқ депутатлари вилоят Кенгашига ёзма ахборот киритиб борилсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси (Ш.Холлиева) зиммасига юклатилсин.

8. Мазкур қарор қабул килинган кундан кучга киради.

Кенгаш раиси



Bobolov T.A.